

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг раиси
Ф.Р. Хананияевга.

Ғиждувон тумани “Армечан” МФЙ
Фришкент қишлоғининг 64-уйида яшовчи
фуқаро фуқаро Ахтамов Бакирилло
Лукмонович томонидан

Ташаккурнома!


Менинг фарзандим Ахтамов Ҳайдаржон Бакируллоевич Ғиждувон ТТБ “Психонаркология” бўлими мудир лавозимида ишлаб юрган вақтида (3 нафар вояга етмаган фарзанди бор) 2023 йил 31 май куни “Касал”ни вилоят Рухий асаб касалликлари диспансерига жойлаштириб қайтаётган вақтида Вобкент туман “Паноб” МФЙ ҳудудидан ўтувчи “М-37”-сонли автомобиль йўлининг 245-кмда тахминан соат 17:00лар атрофида йўл транспорт ҳодисаси содир бўлиши оқибатида оғир тан жароҳати олиб вафот этган эди. Турмуш ўртоғим вафотидан сўнг мен уч нафар вояга етмаган фарзандим билан боқувчисиз қолдим. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича меҳнат техник инспектори И.М.Бердиев бахтсиз ҳодисани текшириш жараёнида иштирок этиб, бизнинг оилага тегишли бўлган тўловларнинг тўланишини назоратга олишлари натижасида суғурта компаниясидан тегишли бўлган тўловларнинг 6 йиллик бир йўла нафақа тўлови билан ойма-ой тўловлари 5 нафар оила аъзоларимизга тўлаб берилди. Аммо, иш берувчи тармоқ жамоа шартномасида белгиланган соғлиқга етказилган зарар тўловларининг 7-чи йили учун бир йўла нафақа тўлови билан ҳар ойдаги ойма-ой зарар тўловларининг фарқини тўлаб бермади. Инспектор И.Бердиев томонидан бошлиғимизга ёзма кўрсатма киритилиб, тўлаб бериш талаби қўйилди. Иш берувчи тўлаб бера олмаслигини билдириб, судга мурожаат қилишни тавсия бекрди. Натижада, инспектор И.Бердиев ФИБ Ғиждувон туманлараро судида 2024-йил 9-январда ИХ-01/12-сон билан даъво аризаси киритиб, 2024-йилнинг 1-март куни 2-2003-2403/255-сонли қарори билан 98 173 221,95 сўмни 5 нафар оила аъзолари тўлаб бериш тўғрисидаги суд қарори ўқиб, эшиттирди.

ФИБ Ғиждувон туманлараро судининг қарорига биноан мен билан турмуш ўртоғимга ва 3 нафар невараларимга белгиланган ир йўла нафақа тўлови билан ойма-ой зарар тўловларининг фарқи тиббиёт бирлашмаси томонидан сўзсиз тўлаб берилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, бизнинг муаммоларимизни ижобий ҳал қилиб берганингиз учун Сиз ва сизнинг ҳамкасбларингизга ўз миннатдорчилигимизни билдираман деб,

01.07.2024-й.

Ҳурмат ва эҳтиром билан



Б.Ахтамов